ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 4 феврал, шанба № 20 (2069)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ҲУНАР-ЗАР, ҲУНАРМАНД-ЗАРГАР...

*Навоий сабоқлари*



3-бет

## «НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАКДУРУР...»

Одамий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

*Акс садо* 9-бет

## СЕН БАРИБИР ИБРАТСАН, ТАНГЕМ!

«Сарой жавоҳири» сериалидан сўнг кўнгилдан кечган ўйлар



СПОРТ+ ФУТБОЛ

10-бет

## БОБ ХОУГТОН: «ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ БЕШ ЖАМОАСИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ»

*Ажаб савдолар*

## ҒИРРОМЛИК

ёхуд 10-лойиҳадаги қонунбузилишлар

*Баъзан шунақаси ҳам бўлади. Ножўя босган бир қадаминг, кичик бир адолатсизлик кимнингдир дилига ранжу-алам солиб, бу норозилик охир-оқибат шикоятбозликка айланишини, ўзингни ҳам эл олдида уятга қўйишини билмай қоласан. Бўлмаса келиб-келиб давлатга пахта, ғалла, пилла сотиш режаларини муваффақиятли бажариб, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданий-маиший соҳаларда амалга оширилаётган ибратли ишлари кўзга ташланиб қолган Иштихонда шундай воқеа юз берармиди?*

4-бет




11-бет

СКАНВОРД



## Навоий сабоқлари

# «НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАКДУРУР...»

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилишни таклиф этар экан, ҳомийлик "бу авваламбор саховатли бўлиш, беғараз ёрдам бериш эканлигига эътибор қаратиб:***

***"Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз", - деган эди.***



Шу нуқтаи назардан миллат фахри Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига, ижодига нигоҳ ташласак, бунёдкорлик, хайру саховат, меҳру муҳаббат, эзгулик, одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига малҳам бўлиш, истеъдод соҳибларини, умуман, барча соҳадаги меҳнат аҳлини муттасил ва фаол қўллаб-қувватлаш бу фидойи инсон умрининг мазмун-моҳиятига, ижодининг асосий тамойилига айланиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз.

***Кишида барча ахлоқи ҳамида***
***Чу жамъ ўлди - қўярлар отин эҳсон.***
***Бири андин саходур, бир-мурувват,***
***Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон,***

яъни кишида барча эзгу хислатлар жам бўлса, бир сўз билан унинг отини эҳсон дейдилар. Бу фазилатларнинг бири - саховат бўлса, иккинчиси - мурувват. Бу икки фазилатдан маҳрум инсон инсон эмас, деган улуғ шоир бутун умрини эзгулик тантанасига бағишлади, ўзи саховат ва мурувватнинг олий намуналарини кўрсатиш билан кифояланмай, асарлари билан ҳам кишиларни бу эзгу фазилатларни эгаллаш ва ҳаётга татбиқ қилишга даъват этиб келди.

Машҳур муаррих Мирхонд "Равзат ус-сафо" ("Поклик боғи") асарида: "Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқ...", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Навоийнинг барча эзгу фазилатлари ва хайрли ишларини, одамларга қилган яхшиликларини бирма-бир қайд этса, жилд-жилд китоб бўладики, уларнинг ҳажми шоирнинг ўзи ёзган асарлардан-да ошиб кетса, ажаб эмас. Ҳирот ва унинг атрофидаги вилоятларда Навоийдан у ёки бу даражада ёрдам олмаган, ундан бирор яхшилик кўрмаган одамни учратиш қийин эди.

Навоий, маърифат ва маданиятнинг буюк ҳомийси эди. Унинг моддий ва маънавий мададидан баҳраманд бўлган илму фан, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди.

Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарони ҳамиша мамлакатни адолат билан бошқариш, фуқарога зулм қилмаслик, илму маданиятни ривожлантириш, юртни обод этиш, қисқаси, эзгу ва хайрли ишларни қилишга даъват этиб келди. Ўзининг қарийб қирқ йиллик ҳукмронлиги даврида Ҳусайн Бойқаронинг бошқа бирор мамлакатни босиб олмагани, тинчлик сиёсатини юргизиб, юртни обод қилгани ва илму маданият равнақига катта эътибор бергани Алишер Навоий туфайли эканлигини унутмаслик керак.

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда адабиёт, санъат, маданият, илм-фан гуллаб-яшнади. Бунда Навоийнинг давлат арбоби, ҳомий ва ташкилотчи, устоз сифатида катта ҳиссаси бор. Мирхонд, Атоуллоҳ Ҳусайний, Мавлоно Фасиҳиддин, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир каби олимлар, Мавлоно Осафий, Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин Восифий, Абдулло Ҳотифий каби шоирлар, Султонали Машҳадий, Абдулжамил каби котиблар, Камолиддин Беҳзод, Қосим Али Чеҳракушо, Шоҳ Музаффар, Абдулло Марворид, Хожа Мирак Наққош, Мавлоно Муҳаммад Исфаҳоний каби мусаввир ва наққошлар, Шоҳ Қули Ғижжакий, Абдулқодир Ноий, Ҳусайн Удий, Дарвеш Аҳмад Қонуний каби созандалар, Абдулҳай табиб, Мавлоно Ҳаким, Дарвешали табиб каби табиблар, Мавлоно Кавкабий, Хожа Авҳад Муставфий, Муҳаммад Олим каби мунажжимлар ва бошқа кўплаб соҳа мутахассислари бевосита Навоий ҳомийлигида яшаб ижод этганлар. Чунончи, Шарқ мумтоз поэтикасининг билимдони Атоуллоҳ Ҳусайний ўзи мударрислик қиладиган "Ихлосия" мадрасаси яқинидан бир ҳовли олмоқчи бўлади. Уч минг динор кепакийга уйнинг баҳосини ҳам келишадилар. Лекин шу орада бир мансабдор ундан ортиқча пул таклиф қилиб, савдони бузади. Шунда камхаржроқ бўлган олим ёрдам сўраб Навоийнинг қошига келади. Навоий у харидор бўлган ҳовлидан ҳам кенг ва катта, Ҳиротнинг гўзал ва хушҳаво жойида бўлган ҳашаматли уйни унга туҳфа қилиб юборади. Ёки етти жилддан иборат "Равзат ус-сафо" номли салмоқли тарихий асарини ёзиши учун Мирхондга барча шарт-шароитни муҳайё қилиб беради - "Халосия" хонақоҳидаги каттагина кутубхонаси бўлган ўз хонасини ёзув қуроллари билан жиҳозлаб, забардаст муаррихга топширади.

Замона фозиллари томонидан ёзилган 40 га яқин асарнинг Навоий номига бағишланиши ҳам унинг ўз даври сиёсий-ижтимоий, адабий-маданий ҳаётида қанчалик катта рол ўйнаганлигини кўрсатиб турибди. Улар орасида Сайфиддин Аҳмад Тафтазонийнинг "Шарҳи фароиз" ("Шариат фарзлари шарҳи"), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Тафсири форсий" ("Форсча тафсир"), Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи мусиқий" ("Мусиқа ҳақида рисола"), Мирхонднинг "Равзат ус-сафо", Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Рисолаи қофия" ("Қофия ҳақида рисола"), Хондамирнинг "Маосир ул-мулук" ("Подшоҳларнинг яхши фазилатлари") ва "Макорим ул-ахлоқ" ("Яхши хулқлар"), Аҳлий Шерозийнинг "Қасидаи маснуъ" ("Нафис қасида"), Абдулло Ҳотифийнинг "Лайли ва Мажнун", "Ширин ва Хусрав" каби машҳур асарлари бор.

Мамлакатдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига Навоийнинг ўзи бош-қош эди. Унинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида бўлган. Лекин у ёлғиз ўзининг эҳтиёжидан ортиқ барча маблағини хайрия ишларига сарф этган. У турли шаҳарларда кўплаб мадрасалар, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 52 работ, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 2 тўғон ва бошқа қатор бино ва иншоотларни қурдирган ёки қайтадан таъмирлатган. Улар орасида Ҳиротдаги "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, "Халосия" хонақоҳи, "Шифоия" шифохонаси, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган "Дор ул-ҳуффоз" биноси, Марвдаги "Хусравия" мадрасаси, Машҳаддаги "Дор ул-ҳуффоз" хайрия биноси ва бошқа нодир меъморчилик ёдгорликлари бор. У халқнинг сайр қилиши ва дам олиши учун қатор сайргоҳ ва боғлар ҳам барпо этган. Марғани боғи, Тахти Сарипули Сангкашон, Боғчаи Шавқия, Гозургоҳ, Тахти Бобо сўхта, "Ҳавзи моҳиён" иморати ёнидаги боғ шулар жумласидандир.

Маълумки, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудида ер мўл бўлса ҳам, сув ҳамма жойда ҳам етарли бўлмаган. Шунинг учун Навоий ариқ ва ҳовузлар қазиш ишларига ҳам ҳамиша алоҳида аҳамият берган. Унинг 19 та катта ҳовуз ёки сув омборлари бунёд этгани, сувсиз ерларга сув чиқаришга бош-қош бўлгани бунинг ёрқин далилидир. Чунончи, Тус вилоятининг Чашмаи Гулистон боғидан Машҳадгача бўлган 70-80 километрлик канал асосан Навоий маблағи асосига қазилган.

1500 йилнинг августида Ҳусайн Бойқаро Мозандаронда бўлганида харажатлар учун халқдан 100 минг динор кепакий солиқ йиғиб юборишга Фармон беради. Ҳали ҳосилини йиғиб олмаган фуқаро учун бу солиқ оғирлик қилишини айтиб, бу маблағни Навоий ўз ҳисобидан тўлаб юборади.

Навоий ўзи қурдирган мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалар билан ҳам таъминлаб турган. Бу ерларда ҳар куни мискин-бечораларга таом тарқатилган, турли ёрдамлар кўрсатилган. Хондамирнинг ёзишича, "Халосия" хонақоҳида ҳар йили 2000 та пўстин, чопон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш улашилган. Навоий бино этган Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозорига қурилган хонақоҳ, шунингдек, "Жамоатхона", "Фаноия", "Зиёратгоҳ", Машҳаддаги Имом Ризо равзасида қурилган "Дор ул-ҳуффоз", Нишопурдаги Шайх Фаридиддин Аттор сармозоридаги хонақоҳларда ҳам ҳар куни фақир, мискин ва мусофирларга таом берилиб, турли хил бошқа ёрдамлар кўрсатилган. Айниқса, рамазон ойида Навоийнинг хайру саховати чегара билмасди. Камбағаллар ўз ўлимларидан олдин ўзларини кўмишда Навоийдан ёрдам сўрашни васият қилиб кетар эканлар. Бу далиллар Алишер Навоийнинг хайру саховат тимсолига, ўз даврининг Ҳотами Тойига айланиб кетганлигидан далолат беради.

Меҳру мурувват, хайру саховатда ўзи намуна бўлган Навоий ёзган асарлари орқали ҳам кишиларни яхшилик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирган. Чунончи, "Маҳбуб ул-қулуб" асарида саховат ва ҳиммат бобида алоҳида фикр юритиб, саховатни инсоният боғининг мевали дарахтига ўхшатади, одамийлик мамлакатининг мавжли уммонига, бу уммоннинг бебаҳо гавҳарига қиёс қилади. Саховатли кишини мўл ҳосилга сабаб бўладиган серёғин булутга, саховатсиз кимсани эса ёғмай ўтадиган баҳор булути-ю, ҳиди йўқ мушкка нисбат беради. Мевасиз дарахт билан ёғинсиз булутнинг, саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафнинг баҳоси бирдир, дейди.

Шоирнинг ёзишича, саховат-инсоннинг жисми бўлса, ҳиммат-унинг жони ва дунёдаги барча эзгуликлар олиҳиммат кишилар туфайлидир. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, жонсиз баданни киши тирик демас. Одамлар кўрмагунча бировга бир нарса бермайдиган киши сахий эмас, балки хасисдир. Сўрагандан кейингина берадиган киши ҳам сахийликдан йироқ. Қийин-қистов билан бергандан кўра, бермаган яхшироқ.

Навоийнинг нуқтаи назарига кўра, молу дунёни йиғиш эмас, балки хайрли ишларга, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаш керак. Унинг ўзи шундай йўл тутади ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилади. Шоирнинг ёзишича, пулу бойликнинг қулига айланган, жонини тикиб молу дунёга интилган киши ҳеч қачон азиз бўлмайди:

***Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,***
***Жон нақди бериб, сийм харидори азиз.***

*Ҳимматсиз бойнинг оқиллар олдида эътибори йўқ;*

***Мол ўлуб, гар йўқ кишининг ҳиммати,***
***Маъни аҳли олдида йўқ иззати.***

Навоий ақидасича, инсоннинг инсонлиги аввало унинг ижтимоий фаолияти, халққа фойда келтириши, элнинг оғирини енгил қилиши билан белгиланади. Жамиятга фойдаси тегмайдиган, халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одам-одам аталишга нолойиқ:

***Одамий эрсанг, демагил одами***
***Оникин, йўқ халқ ғамидин ғами.***

Бу - Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта. Унинг ўзи ҳам халққа қанча кўп фойданг тегса, бунинг ўзингга фойдаси кўпроқдир деган қоида билан яшаган:

***Нафъинг агар халққа бешакдурур,***
***Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.***
***Мурувват барча бермакдур - емак йўқ,***
***Футувват барча қилмакдур - демак йўқ.***

Маълум бўладики, шоир тушунчасига кўра, ўзи емай, борини ўзгаларга бериш чинакам мурувват ҳисобланади. Футувват эса одамларга фақат яхшилик қилиш-у, лекин бу ҳақда гапирмаслик, яъни миннат қилмаслик. Унинг эътиқоди бўйича яхшиликни миннат қилиш - уни йўққа чиқариш билан баробар:

***Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,***
***Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,***
***Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,***
***Миннат била яхшилиғни ботил қилма.***

Навоий бошқаларни ҳам хайру саховатга даъват қилиб, карам туфайли жавонмард камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар эҳсон қилгани учун эмас, чунки сепган билан дарёнинг суви, сочган билан қуёшнинг нури камаймайди дейди:

***Жавонмард аз карам муфлис нагардад,***
***Сахиро аз ато чин нест дар чеҳр.***
***Ба пошидан чи нуқс ояд ба дарё,***
***Ба афшондан чи кам гардад зари меҳр.***

"Девони Фоний"даги ғазалларидан бирида ёзилишича эса, осмондаги ойдан тортиб то ер остидаги балиққача хайру эҳсоннинг шукрини қилишини хоҳласанг, сен ойдан балиққача файз етказувчи бўлишинг керак:

***То ба моҳи зи маҳат файз расони бояд,***
***То бувад шокири жуди ту зи маҳ то моҳи.***

Алишер Навоийнинг хайру саховат, меҳру мурувват бобидаги фаолиятини таҳлил қилар экан, уни хайру саховат тажассуми, меҳру муҳаббат тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган зот дейиш мумкин. Саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг султонидир.

Алишер Навоий халқимиз тарихида эзгулик ва адолат тимсоли, саховат ва мурувват рамзи сифатида ҳам ёрқин из қолдирган.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди халқ учун умрини бахшида, миллат учун жонини фидо қилишнинг ёрқин намунаси, чинакам инсонийлик мезонидир.

Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти ва фаолияти айни фикрларнинг амалий ифодасидир: Худованди карим ҳамма нарсани - ақл, билим, истеъдод; амал, бойлик, обрў; эзгу хулқ, халқпарварлик, инсонпарварлик; меҳнаткашлик, хоксорлик, фидойиликни бу нажиб инсондан дариғ тутмади, ўз навбатида, у буларнинг барчасини бус-бутун одамларга бахшида этди. Алишер Навоийнинг халқимиз тарихидаги комил инсон, мутафаккир адиб ва давлат арбоби сифатидаги буюклигининг сири ҳам шунда!

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТТИ КУН

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
8.20 Бокс. Республика биринчилиги.
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Хозяйка судьбы. Сериал.
10.00 «Спорт – саломатлик гарови».
10.20 «Кучли бешлик».
11.00-12.20 «Варвара краса – длинная коса». Фильм для детей.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Ералаш».
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Спорт – менинг ҳаётим».
19.10 «Плоды просвещения». Док. сериал.
20.00 «Вести».
20.30 «Жаҳон спорти».
21.00 «Нокаут».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «История зимних Олимпийских игр».
22.30 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### TV-MARKAZ

12.00 Марказ ньюс (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 Марказ ньюс (рус.)
13.20 Сериал «Твин Пикс» (повтор)
14.10 Мировые хиты
14.30 «Миссия неповторима» (повтор)
15.00 Теленяня
16.00 Узбек наволари
17.00 Час «Пи» (повтор)
18.00 Марказ ньюс (узб.)
18.20 Made in India (новости из Болливуда)
18.30 Мировые хиты
19.00 Марказ ньюс (рус.)
19.20 Сериал «Твин Пикс»
20.10 Узбек наволари
20.30 «Юлдузли пайшанба»
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «Клетка»
24.00 Миксер

### 30-Й КАНАЛ

12.00 – Открытие программы
12.05 – Теле-хамкор
12.25 – «Детский час», мультсериал
12.50 – «Солдаты», сериал
14.00 – Художественный фильм - «Эйс Вентура», комедия
15.30 – «Детский час»
16.45 – «Теле-хамкор»
17.00 – НТТ – «Мультфильм, Черепашки ниндзя»
17.30 – НТТ – «Мумтоз наволар»
17.50 – НТТ – «Хужжатли фильм»
18.00 – НТТ - «Кассандра», сериал
18.45 «Мусикий лахзалар»
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета
20.00 – «Мусикий табассум»
21.00 – НТТ – «Хайрли тун, болажонлар!»
21.15 – НТТ - «Мумтоз наволар»
21.20 – НТТ – «Парламент соати»
21.40 – «Мусикий табассум»
22.10 – НТТ – Художественный фильм – «Утган кунлар»

### ПЕРВЫЙ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12:00, 15:00, 18:00, 3:00 Новости
9.05 «Убойная сила». Т/С
10.10 Т/С «Любительница частного сыска Даша Васильева»
11.30 «Кривое зеркало»
12.20 «Черный ворон». Т/С
13.30 Дисней-клуб
13.50 «Следствие ведут знатоки
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Т/С «Хозяйка судьбы»
17.00 «Федеральный судья»
18.10 Криминальная Россия
18.40 Т/С «Московская сага»
19.50 «Человек и закон»
21.00 Время
21.30 Проводы олимпийской сборной в Кремле
23.30 Футбол. Кубок Первого канала
1.30 Х/Ф «Фанатка»
3.05 Х/Ф «Последний побег»
4.40 «Сальвадор Дали

### РОССИЯ

5:00 «Доброе утро, Россия!»
8:45 Т/С «Идиот».
9:50 «Великий и ужасный Жук».
10:50, 13:45, 24:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11:00, 14:00, 17:00, 20:00, 23:00 ВЕСТИ.
11:30, 14:20, 16:40, 20:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ
11:50 «Частная жизнь»
12:45 «Комната смеха»
14:40 «Суд идет».
15:45 «Кулагин и партнеры»
17:15 Т/С «Любовь моя».
17:50 «Обреченная стать звездой». Т/С
18:45 «Черная богиня». Т/С
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 Т/С «В круге первом»
23:20 «Безумие Бориса Андреева».
0:30 Х/Ф «Одержимость»
2:55 «Горячая десятка».
3:50 Т/С «Закон и порядок»

### ТВ-3

8.30 «Победоносный голос верующего»
9.00 РУССКИЕ МУЛЬТФИЛЬМЫ
11.00 Х/Ф «В канун Рождества»
13.05 Х/Ф «Инкогнито»
15.00 «Домашний доктор»
15.15 «Если хочешь быть здоров»
16.00 Х/Ф «Шевалье Де Пардайн»
17.50 Х/Ф «Обманутая»
20.00, 2:00 Т/С «Третья смена»
21.00 Х/Ф «Мистер Бонс»
23.15 Х/Ф «Колобос»
1.00, 5:00 Т/С «Ее звали Никита»
3.00 Х/Ф «Смертельно опасные секреты»

### СТС

8.00 Т/С «Медики»
8.40, 15:30 Мультфильм
9.30, 21:00 Т/С «Моя прекрасная няня»
10.00, 22:00 Т/С «Не родись красивой»
11.00, 21:30, 1:30 История в деталях
11.28, 21:58 «Настроение»
11.30, 20:30 Т/С «Люба, дети и завод...»
12.00 Т/С «Шпионка»
13.00 Т/С «Евлампия Романова. Следствие ведет дилетант-2»
15.00 Т/С «Как сказал Джим»
18.00 Т/С «Сабрина - маленькая ведьма»
18.30 Т/С «Дорогая, я уменьшил детей»
19.30 Т/С «Бедная Настя»
23.00, 2:00 Т/С «Кто в доме хозяит?»
23.30 Х/Ф «Мужская работа»
3.30 «33 квадратных метра»
4.30 Х/Ф «Что-то не отсюда»

### НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:55 Т/С «НЕБО И ЗЕМЛЯ»
10:00, 13:00, 16:00, 19:00, 22:00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ГЛАВНАЯ ДОРОГА»
10:50 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
11:55 «РУБЛЕВКА. LIVE»
13:30, 19:40 Т/С «ЗОНА»
14:30, 20:40 Т/С «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ - 2»
15:30, 18:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Т/С «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА-2»
22:45 «К БАРЬЕРУ!»
0:00 Х/Ф «ДЕВЯТЫЕ ВРАТА»
2:30 Х/Ф «БЕЗУМИЕ ЛЮБВИ»
4:30 Т/С «ВАВИЛОН 5»
5:15 Т/С «2,5 ЧЕЛОВЕКА»

### РЕН-ТВ

8.00 Музыкальный канал
8.30, 21:00 МУЛЬТФИЛЬМ
8.55 Т/С «Пауэр рейнджерс, или Могучие рейнджеры. Патруль времени»
9.20, 19:45 Т/С «Солдаты-2»
10.25 Т/С «МЭШ»
11.30, 14:30, 21:30, 1:30 «24» Информационная программа
11.50 «Час суда
13.55, 6:35 «Исчезновения
15.00, 24:20 Т/С «NEXT-2»
16.15, 4:45 Т/С «Секретные материалы»
17.15, 22:00 Т/С «Альпийский патруль»
18.30, 23:10 Т/С «Студенты»
2.00 «TV-CLUB»
2.15 Х/Ф «Эра вампиров»
4.10 Т/С «Мятежный дух»
5.45 «Невероятные истории»

## ЖУМА, 10

### O'ZBEKISTON

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Хитойнинг диққатга сазовор гўшалари».
9.30 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.35 1. «Цирк, Цирк, Цирк».
2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
10.40 «Навоийни англаш».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Болливуд маликаси». Бадиий фильм. 1-қисм.
12.05 «Олтин мерос».
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Дўстлик» студияси: 1. «Бизнен мирас». 2. «Истоки».
12.45 «Қақнус». Телесериал.
13.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Пуччини. «Тоска» операси. 1-қисм.
15.15 ТВ анонс.
15.20 «Тоска» операси.
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.55 «Жавоҳир».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Бизнес янгиликлари».
17.30 «Олтин мерос».
17.40 «Ақл ва идрок».
18.00 «Оқшом наволари».
18.15 «Муносабат».
18.40 ТВ анонс.
18.45 «Ошин». Телесериал.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Болливуд маликаси». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала».
22.00 «Қақнус». Телесериал
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Гаровдаги муҳаббат». Бадиий фильм.
00.50-00.55 Тунги наволар.

### YOSHLAR

6.25 Дастурнинг очилиши.
6.30 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Болалар экрани: Китоб жавони.
8.20 Расмлар сўзлаганда.
8.25 ТВ - анонс.
8.30 «Эсмеральда». Сериал.
9.00 Ёшлар овози.
9.15 Болалар шеърияти.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Паландара жилолари».
9.35 Қизил ҳудуд.
9.50 ТВ - анонс.
9.55 «Шубҳа». Телесериал.
10.40 Давр мавзуси.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 Давр.
11.05 «Уч бақалоқ«. Бадиий фильм.
12.35 ТВ – анонс.
12.40 «Умр дафтари» туркумидан: «Навоий ижодига бахшида умр». Академик Азиз Қаюмов. 3-қисм.
13.00 Давр.
13.05 «Ит уяси». Сериал.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Мульттомоша».
15.30 SMS – тест.
15.35 «Япониянинг боқий маданияти». Ҳужжатли фильм.
15.55 Фототанлов.
16.00 Давр.
16.20 «Даллас». Телесериал.
17.05 Ишдан кейин....
17.25 Болалар табассуми.
17.30 Даврнинг боласи.
17.40 Меҳмонхона.
18.00 Мусиқий лаҳзалар.
18.10 Билимдон ёшлар беллашуви.
18.15 Орзулар қанотида.
18.45 SMS - тест.
18.50 Мафтунингман диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Солиқ хизмати хабарлари.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Спорт лото.
20.10 Ёнимдаги бахт.
20.15 Автопатрул плюс.
20.45 SMS - тест.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.45 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 «Эсмеральда». Телесериал.
23.05 Дастурнинг ёпилиши.

### TOSHKENT

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» /рус/.
18.50 «Миттивойлар мактаби».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.50 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.20 ТТВда сериал: «Камилла».
20.50 «Иқтисодий тараққиёт йўлидан». /рус/.
21.20 «Экспресс» телегазетаси.
21.30 Навоий ҳақида ривоятлар: «Ҳиммат». 5-қисм.
21.45 «Дорихона эшитади».
22.35 «Телекурьер маркет».
22.45 Киноннигоҳ: «Нокдаун».
23.55.24-00 «Хайрли тун, шаҳрим».

### SPORT-TV

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
8.20 «История зимних Олимпийских игр».
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.00 «Равнақ« студияси
10.15 «Кучли бешлик».
10.55 «Спорт салтанати».
11.20-12.30 «Проданный смех». Фильм для детей.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.30 «Заҳирадаги спортчи».
20.50 «Ринг».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Келин - куёв». Ток-шоу.
22.50 «Плоды просвещения». Док. сериал.
23.45 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларининг. тантанали очилиш маросими.
1.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### TV-MARKAZ

12.00 Марказ ньюс (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 Марказ ньюс (рус.)
13.20 Сериал «Твин Пикс»
14.10 ТОП-10 (повтор)
15.00. Теленяня
16.20 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ ньюс (узб.)
18.20 Made in India
18.30 Мировые хиты
19.00 Марказ ньюс (рус.)
19.20 Сериал «Твин Пикс»
20.10 Спецрепортаж (повтор)
20.30 ТОП-20
21.15 Узбек наволари
22.00 Кино «Путь проклятого»
00.10. Миксер

### 30-Й КАНАЛ

12.00 – Открытие программы
12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 – «Детский час»
12.50 – «Солдаты», сериал
14.00 – Х/ф - «Коридоры времени», фантастика
15.30 – «Ошикона»
16.15 – «Детский час»
16.45 - «Теле-хамкор»
17.00 – НТТ – «Мультфильм, Черепашки ниндзя»
17.25 – НТТ – «Бунёдкор телеклубида учрашув»
17.45 – НТТ – «Киноконцерт»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Мусикий лахзалар»
19.00 – «Ошикона»
19.45 – «Теле-хамкор»
20.00 – «Мусикий табассум»
21.00 «Мусикий лахзалар»
21.05 – НТТ - «Сиз учун»
21.40 – «Мусикий лахзалар»
22.10 Х/ф «Идеальное преступление»

### ПЕРВЫЙ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12:00, 15:00, 18:00, 3:00 Новости
9.05 «Убойная сила». Т/С
10.10 Т/С «Любительница частного сыска Даша Васильева»
11.30, 18:10 «Кривое зеркало»
12.10 «Черный ворон». Т/С
13.10 «Следствие ведут знатоки
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Т/С «Хозяйка судьбы»
17.00 «Федеральный судья»
18.40 Т/С «Московская сага»
19.50 Поле чудес
21.00 Время
21.25 Фестиваль юмора «Умора»
23.20 Х/Ф «Любовь зла»
1.20 Х/Ф «Страх и ненависть в Лас-Вегасе»
3.30 Х/Ф «Раскаты грома»
5.10 Т/С «Дефективный детектив»

### РОССИЯ

5:00 «Доброе утро, Россия!»
8:45 Т/С «Идиот».
9:50 «Армен Джигарханян. Здравствуйте, это я!».
10:50, 13:45, 24:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11:00, 14:00, 17:00, 20:00, 23:00 ВЕСТИ.
11:30, 14:20, 16:40, 20:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ
11:50 «Мусульмане».
12:00 «Вся Россия».
12:15 «Городок»
12:45 «Мой серебряный шар
14:40 «Суд идет».
15:45 «Кулагин и партнеры»
17:15 Т/С «Любовь моя».
17:50 «Обреченная стать звездой». Т/С
18:45 «Черная богиня». Т/С
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 «Смеяться разрешается»
21:55 Х/Ф «Кикбоксер»
23:55 XX Зимние Олимпийские игры
3:45 Т/С «Закон и порядок»
4:40 ПРЕМЬЕРА. Т/С «Джонни Зиро»

### ТВ-3

8.30 «Победоносный голос верующего»
9.00 РУССКИЕ МУЛЬТФИЛЬМЫ
10.30 «Дом живых историй»
11.00 Х/Ф «Лев готовится к прыжку»
12.30 Х/Ф «Там, где сердце»
15.00 «Осторожно, Модерн!»
16.00 Х/Ф «Игрушка»
17.55 Х/Ф «Карты, деньги, два ствола»
20.00, 2:00 Т/С «Третья смена»
21.00 Х/Ф «Цвет денег»
23.30 Х/Ф «Двойник»
1.00, 5:00 Т/С «Ее звали Никита»
3.00 Х/Ф «Остров огня»

### СТС

8.00 Т/С «Медики»
8.40, 15:30 Мультфильм
9.30, 21:00 Т/С «Моя прекрасная няня»
10.00, 22:00 Т/С «Не родись красивой»
11.00, 21:30, 1:30 История в деталях
11.28, 21:58 «Настроение»
11.30, 20:30 Т/С «Люба, дети и завод...»
12.00 Т/С «Шпионка»
13.00 Т/С «Евлампия Романова. Следствие ведет дилетант-2»
15.00 Т/С «Как сказал Джим»
18.00 Т/С «Сабрина - маленькая ведьма»
18.30 Т/С «Дорогая, я уменьшил детей»
19.30 Т/С «Бедная Настя»
23.00 Х/Ф «Убить Билла-2»
2.15 Х/Ф «Спецназ по-русски-2»
4.25 Х/Ф «Исполнитель желаний»
5.50 Х/Ф «Внутри моей памяти»

### НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:55 Т/С «НЕБО И ЗЕМЛЯ»
10:00, 13:00, 16:00, 19:00, 22:00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «КРИМИНАЛЬНАЯ РОССИЯ»
10:50 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
11:55 «РУБЛЕВКА. LIVE»
13:30, 19:40 Т/С «ЗОНА»
14:30 Т/С «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ - 2»
15:30, 18:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Т/С «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА-2»
20:35 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
21:35 Х/Ф «САМОВОЛКА»
23:45 Х/Ф «ОКОНЧАТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ»
2:05 «КОМА: ЭТО ПРАВДА»
2:35 Х/Ф «ПРОЕКТ 281»
4:05 Т/С «ВАВИЛОН 5»
4:50 Т/С «2,5 ЧЕЛОВЕКА»

### РЕН-ТВ

8.00 Музыкальный канал
8.30, 21:00 МУЛЬТФИЛЬМ
8.55 Т/С «Пауэр рейнджерс, или Могучие рейнджеры. Патруль времени»
9.20, 19:45 Т/С «Солдаты-2»
10.25 Т/С «МЭШ»
11.30, 14:30, 21:30, 1:30 «24» Информационная программа
11.50 «Час суда
13.55, 6:35 «Исчезновения
15.00, 24:20 Т/С «NEXT-2»
16.15, 4:45 Т/С «Секретные материалы»
17.15, 22:00 Т/С «Альпийский патруль»
18.30, 23:10 Т/С «Студенты»
13.55, 6:35 «Альманах невероятных фактов»
19.45 «Очевидец»
20.45 «Мистер Бин»
22.00 Х/Ф «Аполло-13»
1.15 Проект «Отражение»
2.20 Х/Ф «Кошмар в метро»
3.55 Т/С «Мятежный дух»

## ШАНБА, 11

### O'ZBEKISTON

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олтин тож».
9.25 «Мусиқа дунёси».
9.50 ТВ анонс.
9.55 «Оналар мактаби».
10.15 «Заковат».
11.10 «Болливуд маликаси». Б/ф
11.55 ТВ анонс.
12.00 «Дўстлик» студияси: 1.»Рангинкамон». 2.»Дидар».
12.30 «КиноТеатр».
12.50 «Қақнус». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Оҳанрабо».
15.00 ЎзТВ хазинасидан. А. Қаҳҳор. Ҳажвий новеллалар.
15.35 ТВ анонс.
15.40 «Меҳр кўзда».
16.20 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Шахсий фикр».
17.15 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
18.15 «Саломатлик сирлари».
18.35 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оқшом наволари».
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Йиллар армони».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Ҳаёт давом этади».
22.00 «Рўё». Бадиий фильм.
23.15 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.25 «Рўё». Бадиий фильм.
00.40-00.45 Тунги наволар.

Саломатлигингиз ўз қўлингизда

***Кейинги вақтларда матбуот, радио ва ойнаи жаҳонда саломатлик ҳамда ҳар хил касалликларни даволаш борасида мутахассислар тавсияси берилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Бу кишиларнинг тиббий савиясини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Шундай имкониятдан фойдаланиб анча йиллардан буён ўзим бошдан ўтказаётган қандли диабетнинг қандай касаллик эканлиги ва унинг даволаниши тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.***



# «АСАЛДАН ШИРИН»

## бедаво дардми?

Қандли диабет ўзи нима? Дунёдаги 86 тилда нашр этиладиган "Пробудитесь" журналининг 2003 йил 8 май сонида у ҳақда батафсил маълумотлар берилган.

Асли юнонча "диабетос меллус" бўлган хасталик номи "тўғри ўтиб кетади" мазмунига эга. Лотинчада эса "асалдан ширин" деган маънони берар экан. Ҳақиқатан ҳам бу иборалар қандли диабет касалига бериладиган таърифни тасдиқлайди. Сув оғизга тушиши билан пешоб йўллари орқали тезда ташқарига чиққани учун ҳам мана шундай қиёслаш келиб чиққан бўлиши мумкин.

Инсон диабет касалига чалинганини кўпинча билмай қолиши ва ҳатто бунга шифокорлар ҳам қунт билан эътибор бермасликлари мумкин. Аммо у енгил шаклда инсон вужудини қамраб олиб кемиради. Шунинг учун уни "кўзга кўринмас қотил" деб аташади.

Диабетнинг ҳосил бўлиш сабаблари ва бу дард билан қандай яшаш мумкинлиги тўғрисида тиббиёт мутахассислари бош қотиришмоқда. Шунга қарамай, жаҳон олимларининг берган маълумотларига кўра, ушбу дард билан оғриганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. 2025 йилга бориб диабет эпидемияси вужудга келиши ҳеч гап эмас экан. Чунки ҳозир ёши ўнга тўлмаган болалар орасида ҳам қандли диабет хасталигига учраган беморлар бор.

"Қандли диабетнинг катта-кичиги бўлмайди. Унинг ҳамма кўриниши ҳам хавфли", дейди Америка диабетологлар ассоциацияси вакили Дейли Энн.

Мен тахминан 1975 йиллари ошқозон яраси (язва) касали билан шифохонага ётдим. Ундан олдин, тўғри юролмаяпман, бошим айланиб кетаверади, деганимда шифокорлар, мувозанат ва вестибуляр аппаратингиз чарчаган, ўн-ўн беш кун дам олинг, деб ишдан вақтинча озод қилиш варақасини беришарди. Бироз танаффус қилиб, яна ишга чиқиб кетаверардим. Яна бир важ шуки, ошқозон куйдиргисига фойда бўлади, деб ширинликни паққос туширардим. Бу эса ўз навбатида зардамни қайнатиб, яна диабет хуружини кучайтирар экан. Сабабини ҳеч ким тушунтириб бера олмасди. Авлодимизда умуман қанд касали билан оғриганлар бўлмаганлиги учун бу ҳақда ўйламасдим ҳам.

Бир куни шифокорлар қандга қон таҳлили олишни маслаҳат беришди. Текширув натижасида менда қанд касаллиги борлиги аниқланди. Поликлиникадаги диабетолог шифокор эса "менинг айтганларимни қилсангиз, 90 йил яшашингизга кафолат бераман" деб ҳазиллашиб қўярди.

Шаҳар диабет диспансерига касалликка ташҳис қўйиш учун йўлланма беришганида, у ерда мени II тоифали диабет касаллиги билан хаста бўлганлар рўйхатига тиркаб қўйишди. Ўйлашимча, бу касал билан оғриганлар ҳеч иккиланмай I гуруҳ ногиронлари қаторига киритилса, уларга эътибор кучайса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозиргача қоним таркибидаги қанд кўрсаткичи 4,5 дан 23 гача бўлган. Пешобда эса гоҳ бўлади, гоҳ бўлмайди. Лекин асорат, симптомлари ўша-ўша сақланиб келаяпти.

Чамаси ўн йиллардан бери мени шаҳар диабет диспансери олий тоифали шифокори Елена Ивановна Мартиросова даволаб келаяпти. Ҳар ойда бир марта қон таҳлилини топшираман, сўнг Елена Ивановна билан ўтириб мулоҳаза қиламиз. Кейин эса энди нима қилиш кераклиги тўғрисида келишиб оламиз.

Ўтган йил бошларидан буён қанд миқдорим бирмунча пасаймоқда. Лекин асоратлари йўқолмаяпти. Мен парҳезга риоя қиламан. Оила аъзоларим буни яхши тушунишади ва эътиборда тутишади.

Елена Ивановнага: "Ахир қанд кўрсаткичи 5,0 бўлгани меъёрдан камку. Нега бунақа бўлди, мен "Манинил-5" дорисини ичиб тураман?" деб савол берганимда, "Сиз ёзи билан далада меҳнат қилдингиз, тоза ҳаво, қуёш нури, ариқ суви, табиий мева-майизлар ва атрофдаги тинчлик-осойишталик, қушларнинг сайраши, сут-қатиқ маҳсулотлари сиздаги ошқозон ости безининг иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Лекин қандли диабет симптомлари ва касаллик аломатлари ҳали ҳам бор. Шунинг учун "Манинил-5" миқдорини 1/2-1/4 га камайтиришингиз мумкин. Бутун дунё олимлари ва шифокорлари қандли диабет ва унинг асоратлари "ашаддий кўринмас қотил" деб бекорга айтишмайди, деди шифокорим.

Касбимнинг тиббиёт соҳасига алоқаси йўқ. Оддий муҳандисман. Техника, маънавият, тил тўғрисида ёзганларим матбуотда эълон қилиниб туради. Шу боис айтмоқчи эдимки, одамзот минг йиллик тарихи давомида ўзи ва соғлиғи ҳақида қанча-қанча билимлар йиққанки, касал бўлиш ва уни даволай олмаслик ҳам уят, ҳам телбаликдир. Биз фақат шу билимларни бир жойга тўплаб, улар ҳақида озгина бош қотириб, ҳозирги шароитимизга мосласак бўлгани.

Диабет – бедаво дард. У билан курашмоқ учун нима қилиш керак?

Жаҳон олимларининг эътирофича, хот-дог, чипс, гамбургер ва шунга ўхшаган қуруқ егуликлар, турли хил сунъий яхна ичимликларнинг кўпайгани, ўқув юртларида танаффуслар ҳамда бадантарбия дарсликларининг камайганлиги, жисмоний фаолликнинг сусайиши каби омиллар болаларда бу касаллик хавфини келтириб чиқарар экан. Бундан хулоса чиқариш эса ўзимизга ҳавола.

**Ҳ.МАТЁҚУБОВ,**
**меҳнат фахрийси**

Акс садо

# СЕН БАРИБИР ИБРАТСАН, ТАНГЕМ!

## «Сарой жавоҳири» сериалидан сўнг кўнгилдан кечган ўйлар

***Инсон зотининг феъл-атвори қизиқ. Баъзан оддий воқеа-ҳодисалардан қаттиқ таъсирланамиз. Ўй-хаёллар фикримизни чулғаб олади. Қалбни тирнаётган нима ўзи у, ҳиссиётми, хаёлми? Икки ойдан ошиқ фурсат мобайнида Тангем исмли ҳамширани кутиб яшадик. Унинг дилбарлиги-ю, латофатинигина эмас, балки фидойилигини-ю, жасоратини суюб қолдик. Қалбимизнинг қаеридадир ҳувиллаб турган бўшлиқни бека Сео тўлдирган бўлса не ажаб. Ширин суханлигини, бемор дардига балогардонлигини қумсаётгандирмиз, балки. Нима бўлгандаям бу бир кино. Аммо табобат хусусидаги дил тубида милтиллаган чўғни алангалатди. Шифокор нақадар улуғ зот эканлиги Тангем мисолида кўринди. Аслида ҳаётда ундан ўзадиганлар оз эмас.***

Француз миллатига мансуб бўлган Пастер бир умр фалажликдан азият чеккан. У шу ҳолига қарамасдан куйдирги, бўғма ва қутуриш каби ўнлаб касалликларга даво топди. Ғарибу ночор бўла туриб минглаб одамларни тузатди. Тарихда буюк тиб олими деган шарафли чўққини оёқларисиз забт этди. Дунёни тан олдирган аллома ғарибона кулбада, инсонлар ташвиши билан яшаб ўтди. Ёхуд рус шифокорлари Хавкин ва Шаткинни олиб кўрайлик. Бири одамларни даволаш, улар жонини асраш учун ўлат касаллигини ўзига юқтириб даво топган бўлса, иккинчиси трахома (шилпиқ) касаллигига барҳам бериш мақсадида ўз ҳаётини хатарга солди. Бошдан ўтган табиб, дейди донолар. Ўтган асрда яшаган бу шифокорлар бурч учун шу йўлни тутди. Ҳаёт ва ажал орасидаги сўқмоққа уларни ҳеч ким зўрлаб киргизмаганди. Ўзлари танлашди шу қисматни. Рағбат ва мукофот ҳам бўлмаган. Муддао одамлар дардига малҳам топиш, инсон зоти ҳаётидаги таҳдидни аритиш бўлган холос.

Бизнинг замондошларимиз орасида ҳам бурчга содиқлар жуда кўп. Шуларнинг бири ҳақида икки оғиз сўз. Мирзаобод туманида Баҳодир Абдураззоқов деган шифокор йигит бўларди. Бундан 14-15 йиллар илгари у хизмат қилаётган шифохонага 5-6 ёшлардаги ўта оғир аҳволдаги бемор болани келтиршади. Вабо аломати деган тахминий ташҳис белгиланган. Бу тахмин нафақат бемор яқинлари, балки оқ халатлиларни ҳам довдиратиб қўйганди. Кечқурунга бориб касалнинг аҳволи оғирлашади. Бутун шифохона оёққа туради. Уйида дам олаётган Баҳодир Абдураззоқовни ҳам топиб келишди. Тасодифни қарангки, у бемор ҳузурига кириб келганида ҳамкасблари жони узилди, дея бир-бирига термулиб туришган экан. Баҳодир эса улар сафига қўшилмади. Аксинча юракни ишга туширишга астойдил киришди. Ҳатто оғзига оғзини қўйиб сунъий нафас олдиришдан ҳам тап тортмади. Фидойилик бежиз кетмади. Нафас олиш тикланди. Инжилиб турганлар лол-ҳайрон. Кўп ўтмасдан тайёр бўлган таҳлил натижалари тахминни пучга чиқарган. Бола аёвсиз дард билан оғримаган экан. Шифокорнинг қатъий ҳаракати, фидойилиги, кўпчилик қаторида довдираб қолмагани бир инсон ҳаётини сақлаб қолди. Ваҳоланки, у ҳам воқеалар ривожини қўл қовуштириб кутиши мумкин эди. Ва бунинг учун уни ҳеч ким койимаган, ҳатто ўпкаламаган ҳам бўларди. Бурч уни ўзи ёниб бўлгач ҳам ўзгалар ҳаётига нур бағишлашга даъват этди.

Бурч ҳақида тўхталар эканмиз, ўз бошимдан ўтказган кунларни эсламасликнинг сира иложи йўқ. Қўлимга қалам олмасдим. Юрак бу борада сўзлашни кўтармайди. Аммо тиббиётда сочга оқ ораласа-да, табиб Шин ("Сарой жавоҳири" даги) даражасидаги бир шахс хусусида тўхталмасам бўлмайди. Кўзимиз қароғи, эркатой кенжатойимиз ўтган йилнинг августида бетобланиб қолди. Сирдарё вилоятидаги бир қатор шифокорлар ҳузурида бўлдик. Зотилжам ташҳиси билан шифохонага ётқиздик. Шифокор илк кунларданоқ кучли антибиотик дори-дармонлар билан муолажага киришди. Рости, тезда тузалгандек бўлди. Аммо вақти-вақти билан иссиқ кўтариладиган одат чиқарди. Муолажадан кўнгил тўлмай Тошкентга "зўр" шифокорларга кўрсатишга бел боғладик. Яна ўша ташҳис –зотилжам. Ўзини тиб илмининг аркони деб юрганлардан бирига рўбарў бўлдик (илмий даражаси бор). Ётқизиб даволашга келишдик. Ўн беш кунлик муолажа натижа бераётгандек эди. Аммо яна иситма пайдо бўлди. Шифокоримиз тавсияси билан турли марказлардан ташҳислар қилдирдик. Бошқа дард аломатлари топилмади. Иссиқ тафтига олишни қўймасди. Ҳолсизланиш, терлаш, ланжлик, оз-оздан иситманинг кўтарилиши, балғамли йўтал, хансираш, баъзан кўкрак қафасида оғриқ пайдо бўлишидан бола азоб чекарди.

Боланг сил касал экан, шифохонадан олиб чиқиб кет, дейишганидан сўнг пешона деворга текканини сездик. Маъмуриятга учрадик. Шифокорни қўллаб-қувватлашди. Шубҳа-гумондан ҳоли бўлиш учун сил касаллиги бўйича зўр мутахассисларнинг бир гуруҳини топиб келдик. Улар батафсил текширувдан ўтказиб сил касаллигидан асар ҳам йўқлигини далиллар асосида исботлашди. Хом сут эмган бандамиз-да, не-не кишиларни ишга солиб, шифохонада даволанишни давом эттирадиган бўлдик. Аммо афсус, минг афсус. Талашиб-тортишишлар эвазига кўп фурсатни бой берган эканмиз. Дориларнинг нотўғри танланиши микробларнинг чидамлилигини ошириб юборган чамаси. Йигирма саккиз кун деганда ўпка етишмовчилиги келиб чиқиб, юрак-томир фаолиятини издан чиқарди. Бир ойлик сарсон-саргардонликдан сўнг паҳлавонимизни бой бериб, қабрга қўйдик. (Бир ойда кўрган кечирганларимиз боис даво маскани-ю шифокор номи ҳам тилга олишга арзимайди, дея ҳисобладик)

Ғам-андуҳга ботган кунларимизнинг бирида остонамизда ўша зот пайдо бўлди. Кўнглимизни олишни, ҳамдардлигини изҳор этишни ният қилганмиш. Илгариги тўнг, совуқ муомаладан асар ҳам йўқ. Гап орасида нимагадир шаъма қилаётганини пайқаб турардик. Суҳбатимиз сира қовушмади. Унинг минғир-минғирлари бўғзимиздан келарди. Уни олис йўлга отлантирган виждон азоби эмас, балки хавотир-у хадик эди. Ёрдамга муҳтож гўдакдан меҳрини дариғ тутган шифокордан нима умиду, нима хайр...

Шоҳона ҳаётни, тўла-тўкис шароитни ташлаб одамлар орасига кетган Тангемга тан бердим. Фидойилик оддий ҳамширани асрлар оша бизга рўбарў қилган бўлса не ажаб? Ёхуд Пастер, Хавкин ва Шаткинлар халоватини ўғирлаган не туйғу бўлди экан? Наҳотки, буни англаб етиш қийин бўлса?!

Фалсафа сўқишга на ҳожат. Тангемимиз бўлмаса-да ўз Баҳодирларимизга суянамиз. Шулар борки, бағримиз бутун. Оқ халатга тушган қора доғларни фидойилар захмати ювиб кетаяпти. Улар бизнинг кўнглимизнинг, уйимизнинг жавоҳири.

**Нурилла ШАМСИЕВ**

**Ўзбекистон терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Боб Хоугтон юртимиз футбол мухлислари қалбида бир умрга ўчмас из қолдирди. Баъзилар учун у терма жамоани жаҳон чемпионатига олиб чиқишни уддалай олмаган нўноқ мураббий сифатида ёдда қолган бўлса, бошқалар наздида анча муваффақиятли ишлаган иқтидор эгаси сифатида талқин этилади. Кимнинг қандай баҳо бериши ўзига ҳавола. Тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Аммо, Хоугтоннинг Европа, Шимолий Америка ва Осиё қитъаларида ушбу ажойиб ўйинни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Шу боис бўлса керак, FIFA Com таҳририяти у билан батафсил суҳбат уюштирган. Собиқ мураббийнинг терма жамоамиз ҳамда мамлакатимиз футболи хусусидаги фикрлари кўпчиликни қизиқтириши табиий ҳол. Қуйида ушбу мусоҳаба қисқартирилган ҳолда ҳукмингизга ҳавола этилади.**

*Мусоҳаба*



# БОБ ХОУГТОН: «ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ БЕШ ЖАМОАСИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ»

**— Ўзбекистон терма жамоасини тарк этиб, Хитой суперлигасининг "Шенян" жамоасида бош мураббий сифатида иш бошладингиз. Узоқ Шарққа қайтиш асносида туйғуларингиз, ҳиссиётларингиз билан ўртоқлашсангиз?**

– Хитойдаги эски дўстлар билан яна дийдорлашиш тушинтириб бўлмайдиган даражада буюк ҳиссиёт уйғотади, инсонда. Ўзбекистондан кетгач, бу ерга қайтиш ҳақида режа тузгандим. Мен Хитой терма жамоаси мураббийи Жи Гуанжуга қўнғироқ қилиб, бу борада имкониятлар қандай эканлигини суриштирдим. "Шенян"-да мураббий сифатида ишлаш имконияти пайдо бўлгач, ҳеч иккиланмасдан рози бўлдим.

**-Сиз, асосан Осиёда -Хитой, Ўзбекистон терма жамоаси, шунингдек турли клублар, масалан Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоасида мураббийлик қилиб ном қозонгансиз. Осиё футболига қандайдир алоқам бор деб ҳисоблайсизми?**

— Ҳа. Мен "Ал-Иттиҳод"да ишлаб олиб бордим. Хитой ва Саудия Арабистони футбол клубларидаги фаолиятим давомида ажойиб даврни бошдан ўтказдим, дея оламан. Ўзбекистонда кам вақт ишлаган бўлсам-да, бу фурсатдан лаззатландим. Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатига йўл ололмаган эса-да, жамоа аъзолари жуда яхши таркибга эга эканликларини исботлаб беришди.

**-Ўзбекистонда қолмасдан, Хитойга кетиш ҳақида қарор қабул қилганингиз ортида нима яширинган?**

– Тошкентда мен жуда яхши вақт ўтказдим. ЎФФ жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш жараёнида мени қўллаб-қувватлади ва етарли шароитларни яратиб берди. Ўзбекистонда иқтидорли футболчилар кўп. Фидойи ишқибозларни ҳам қўшинг. Баҳрайнга қарши плей -офф учрашувидан сўнг Ўзбекистон футбол федерацияси менга тўрт йиллик шартнома таклиф қилди. Агарда аввалроқ хитойликлар билан келишиб қўймаганимда, шу юртда қолган бўлардим.

**-Ўзбекистондаги футбол тараққиёти ҳақида нима дея оласиз?**

— Улар бир оз қийинчиликларга дуч келишганини тушиниш мумкин. Собиқ иттифоқ даврида турли республикаларнинг яхшиyaхши футболчилари ягона миллий лигада ўйнашарди. Собиқ иттифоқ парчаланиб кетгач, ўша республикадаги кўпгина футболчилар Россияда қолишни афзал билишди. Шу боис, мустақил бўлган давлатларнинг миллий биринчиликлари бироз сифатини йўқотди ва бу нарса ҳалигача ўз таъсирини кўрсатиб келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг кўп футболчилари Россия ва Украина жамоаларида тўп суради. Шу боис ҳам уларни терма жамоа атрофига жамлаш мен учун қийин кечарди. Шунга қарамай, миллий терма жамоа салоҳиятини кучайтириш ҳамда миллий чемпионат савиясини ошириш борасидаги ЎФФ олиб бораётган ишларни кўриб, мен ҳайратландим. Федерация раҳбарияти барча муаммоларни ечишга ҳаракат қилмоқда. Улар тўсиқларни енгиб ўтишда давом этишмоқда.

**— 2005-йилнинг августида Кувайт терма жамоаси устидан қозонилган 3:2 ҳисобидаги ғалаба бутун Осиёни титратди. Бу ишни қандай уддаладингиз?**

— Ўзи тузган таркиб футболчиларнинг бор кучи ва маҳоратини ишга солиб, уларни олдинга чорлаш бош мураббийнинг масъулиятларидан биридир. Менимча, айнан шу ҳолат туфайли биз зафар қучдик. Қолаверса, юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон терма жамоаси ажойиб таркибга эга. Тажрибали, яхши мураббий билан терма жамоа Осиёнинг энг кучли 5 жамоаси сафига кира олади. Мен бунга ишонаман. Кувайт ва Баҳрайнга қарши ўйин олдидан менга тайёргарлик кўриш учун бироз вақт бор эди. Шу томондан мен омадли эдим. Дарвоқе, яна бир омил: футбол ишқибозлари бизни тинимсиз қўллаб- қувватлашди. Ўйингоҳда ким бизга рақиб бўлмасин, майдон тўлиб-тошиб кетарди.

**— Баҳрайнга қарши плей - офф учрашувида сизга нима етишмади, омадми ёки тажриба?**

— Ўйин тақдирини биргина омил эмас, кўп нарса ҳал қилди. Шундай бўлса-да, икки жиҳат биз учун қимматга тушди. Биринчиси, биз Манамадаги учрашувни Максим Шацкихсиз ўтказишимизга тўғри келди. У жамоанинг энг яхши футболчиси ва етакчисидир. У жамоада экан, бошқа футболчилар ҳам ишонч билан ҳаракат қилишади. Иккинчи жиҳат эса, Баҳрайннинг жазирама иссиғи ва нам ҳавоси. Бу ҳам футболчиларнинг бор кучи билан ўйнашларига тўсқинлик қилди. Биз нисбатан секин ҳаракат қилдик, тезкорлик етишмади. Ўзимиз истаган даражада футбол намойиш эта олмадик, чунки, биз рақиб жамоасидан ташқари ана шу шароитларга қарши ҳам ўйнашимиз лозим эди.

**— Сиз Тринидад ва Тобагога қарши ўйиндаги имкониятларингизни ҳам хаёлдан ўтказдингизми?**

— Ҳа. Аслида, мен жаҳон чемпионатига йўл олишимизга ишонгандим. Биз ишонардик. Мен жаҳон чемпионати остонасида эканлигимизни хис қилардим.

**— Ўзбекистондаги даврингизда, сиз терма жамоа бош мураббийи эмас, балки футбол профессори сифатида маҳаллий мураббийларга маърузалар ўқидингиз. Бу ҳам сизга юкланган масъулиятмиди?**

— Умуман, мен мураббийлар билан билим ҳамда тажрибам ҳақида ўртоқлашишни хуш кўраман. Хитойда ҳам шундай эди. Менимча, мураббий қайсидир маънода ўқитувчи ҳам бўлмоги лозим. У бутун дунёда футболни ривожлантириш учун футбол ҳақида билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

**— "Осиёда юлдуз футболчилардан кўра, юлдуз мураббийлар керак" дейишади. Муносабатингиз?**

— Ёшлар даражасида олиб қарайдиган бўлсак, яхши мураббий жуда муҳим шахсдир. У ёш футболчилар онгига футбол учун керак бўладиган маҳорат ва билимнинг тамал тошига асос солади. Бу нарса эса, уларнинг келажакда ажойиб футболчи бўлиб етишишларида муҳим рол ўйнайди. Шу боис ҳам Осиёда малакали мураббийларни етиштириб чиқариш учун турли курсларни ташкил этиш муҳимдир.

**— Мураббийлик фаолиятингиз давомидаги энг ширин хотиралар? Швециянинг "Малме" жамоасини УЕФА Кубоги финалига олиб чиққанингизми?**

— Шундай деган бўлардим. Футбол ўйнашни тугатиб, мураббийлик қилишни бошлаганингиздан сўнг, амалга оширган биринчи ишларингиз хотирада узоқ вақт сақланиб қолади. УЕФА кубогидаги бу муваффақият менинг мураббийлик фаолиятимдаги илк ютуқлардан эди. "Малме" да иш бошлаганимда эндигина 27 ёшда эдим. Биз Швеция чемпионатида тўрт марта ғалаба қозондик ва Европа клублар чемпионати финалига 1979 йилда йўл олдик.

**— 32 ёшда УЕФА Кубоги финалига чиқиш ажойиб ҳиссиётларни тақдим этган бўлиши керак. Ёш бўлишингизга қарамай, футболчиларга буйруқ бериш, уларнинг ҳурматини қозониш сиз учун қийин кечмадими?**

— Мураббий ёш билан эмас, балки хизмати билан ҳурмат қозонади. Биринчидан, мураббийнинг ўзи футболчиларни ҳурмат қилиши керак. Шунингдек, муваффақиятга чорлаш асносида ўзида мавжуд бўлган ғайрат-шижоат ҳамда ишончни намоён қила оладиган даражада кучли мутахасис бўлишлик талаб этилади. Бундан ташқари, улар билан ўйинларда ғалабага эриша олишингизни исботлаб беришингиз ва уларни яхши футболчилар бўлиб етиштиришга кучингиз етишини амалда кўрсатишингиз керак. Шундагина улар сизга қулоқ солишади.

**— Янги йилда нималарга умид қиляпсиз?**

— "Шенян" жуда ёш жамоа. Футболчиларнинг аксарияти 21-22 ёшда. Олдимизда катта ишлар турибди. Мен шу ёш футболчиларни ажойиб "чарм тўп" усталарига айлантираман, деган умиддаман. Уларнинг барчаси терма жамоа аъзоси бўлиши учун бор имкониятларни ишга соламан.

# СПОРТ+ФУТБОЛ

## ВАЛЕРИЙ НЕПОМНЯЩИЙ ИЛК ЙИҒИННИ БААда ЎТКАЗАДИ



Ўзбекистон терма жамоасининг янги бош мураббийи Валерий Непомнящий 12-19 феврал кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

ЎФФ ахборот-таҳлил марказидан олинган маълумотга кўра, терма жамоа сафидан илк марта Москванинг ЦСКА жамоаси ҳимоячиси Виталий Денисов жой олди. Терма жамоа сафида қисқа танаффусдан сўнг яна Зайниддин Тожиев ҳамда Андрей Власичевлар пайдо бўлишди.

Қолган чизиқларда қуйидаги футболчилар кўрикдан ўтади:

Дарвозабонлар; Игнатий Нестеров, Темур Жўраев ("Пахтакор"), Юрий Цой ("Машъал"), ҳимоячилар; Асрор Аликулов, Илҳом Суюнов, Ислом Иномов («Пахтакор») Камолиддин Кенжаев ("Машъал"), Виталий Денисов (ЦСКА-Москва), Андрей Фёдоров("Рубин"), Бахтиёр Ашурматов («Крылья Советов»-Самара), ярим ҳимоячилар; Владислав Кирьян, Сервер Жепаров, Иброҳимжон Раҳимов, Ренат Байрамов, Вечеслав Понамарёв, Алексей Кликунов, (ҳаммаси «Пахтакор»дан), Азиз Ҳайдаров («Локомотив»), Виктор Карпенко («Қайрат»-Алмата»), Марат Бикмоев («Рубин»-Қозон), ҳужумчилар; Анвар Солиев («Пахтакор»), Зафар Холмуродов ("Машъал"), Улугбек Бақоев («Тобол»-Кустанай).

Терма жамоа сафидаги асосий легионерларимиз 19 феврал куни Тошкентга учиб келади.

## МЎМИНЖОНОВ ИСРОИЛДА ЎЙНАШИ МУМКИН

Тошкентнинг "Трактор" жамоаси ҳужумчиси Илҳом Мўминжонов ўз фаолиятини Исроилда давом эттириши мумкин, деб хабар беради ЎФФ ахборот -таҳлил бўлими. Ҳамюртимизга "Хапоэл-Рамат" жамоаси жиддий қизиқиш билдирган.

-Мазкур клуб Мўминжоновнинг трансфер баҳосини сўраб бизга мактуб йўллади, -дейди ЎФФ Бош котиби С. Раҳматуллаев. -Унинг Исроилга жўнаб кетганига уч кун бўлди. Агар у клуб мураббийларига маъқул тушса, жамоа билан шартнома имзолайди.

Дарҳақиқат, Мўминжонов ушбу клуб билан шартнома имзоласа, Исроилда тўп сурган учинчи ўзбекистонлик бўлиб қолади. Унгача ушбу мамлакатда Игор Шквирин ҳамда Борис Моисеевлар тўп суришган.

## ГЕНРИХ «ТОРПЕДО» ЙИҒИНЛАРИДА ҚАТНАШМОҚДА

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Москванинг "Торпедо" жамоаси ҳужумчиси Александр Гейнрих Испанияда ташкил этилган йиғинларида Швейцариянинг"Санкт -Галлен" жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. "Торпедо" ушбу ўйинни 0:1 ҳисобида бой берди.

Гейнрих ўз жамоаси сафида 90 дақиқа ҳаракат қилган икки футболчидан бири бўлди. У миллий терма жамоамизнинг Осиё чемпионати саралаш баҳсларидаги дастлабки учрашувда асосий таркибда майдонга тушади.

## ШАЦКИХ УКРАИНАДА ҚОЛАДИ



Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Максим Шацких Украинада қолади.

31 январ куни Европадаги трансфер бозори якунлангач "Динамо" ҳужумчисининг Англияга кетиши ҳақидаги барча гапларга нуқта қўйилди. Ваҳоланки, футболчининг "Вест Бромвич Альбион" клубига ўтишига жуда яқин турган, жамоа ҳужум чизиғини Шацких билан кучайтиришни ният қилган эди.

## МАРАТ БИКМОЕВ – «РУБИН»ДА

Миллий терма жамоа ярим ҳимоячиси Марат Бикмоев Қозоннинг "Рубин" клуби билан шартнома имзолади. Бикмоев янги жамоа таркибида Испаниядаги ўқув-машғулот йиғинларида янги мавсумга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг қанча муддатга шартнома имзолагани ҳамда келишувнинг молиявий жиҳатлари "Рубин" футбол клубининг расмий сайтида баён этилмаган.



22 февралда бошланадиган Осиё чемпионати саралаш ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ярим ҳимоячи 11 феврал куни Тошкентга учиб келади ва шу ернинг ўзидан Дубайга Виталий Денисов, Азиз Ҳайдаров, Андрей Фёдеров, Виктор Карпенко ҳамда Бахтиёр Ашурматовлар билан бирга учиб кетади.

# Турфа олам

## РАНГЛАР ЖОЗИБАСИ ВА ХОСИЯТИ

Мутахассис олимларнинг эътироф этишларича, ранглар фақат гўзаллик рамзи бўлиб қолмай, одамлар кайфияти ва соғлиғига ҳам турлича таъсир кўрсатаркан.

Қизил ранг – ўзаро муносабатларда илиқликни ҳис қилишга, кайфиятни кўтаришга хизмат қилиши билан бирга одамнинг тез чарчашига сабаб бўларкан. Негаки, бу ранг таъсирида мускуллар ҳаракати кучайиб, қон босими ортади, нафас олиш тезлашаркан.

Тўқ сариқ ранг эса холис ният рамзи бўлиши билан бирга одамларга яхши кайфият бағишлайди. Шу билан бирга иштаҳани очади, кўз нури ва асаб тизими фаолиятини яхшилайди. Негаки, бу ранглар ичида энг қувноғи ҳисобланади.

Яшил ранг эса ҳаёт ва тириклик тимсоли сифатида инсонга руҳий қувват бахш этади. Чарчоғини ёзиб, оромбахш таъсир кўрсатади. Бу ранг энг ёқимли ҳисобланиб, қон босимининг пасайишига, танадаги умумий ҳаётий ҳолатнинг ортишига ёрдам беради.

Кул ранг – қон босимини пасайтиришга яшилдан ҳам кўра яхшироқ таъсир кўрсатади. Асаби толиққанларга оромбахш таскин беради.

Бинафша ранг – нафақат инсон кўзини яшнатади, балки асабини бўшаштириб, оромбахш туйғуларни уйғотади.

Кўнгил оқлиги ва софлигини билдирувчи оқ ранг эса соғлиққа ижобий таъсир кўрсатсада, кўз нурини сусайтиради.

## МУСИҚАНИНГ КУЧИ

Япон олимларининг тадқиқотларига қараганда, мумтоз мусиқа ва қўшиқлар одамнинг руҳий қувватини ошириб, соғлиғига ижобий таъсир кўрсатаркан. Шунингдек, бундай куй-қўшиқ эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириб, гўдакни тез ва соғлом ўсишига сабаб бўларкан. Аксинча, замонавий шовқин-суронли мусиқа оҳанглари ва қўшиқлар оналарнинг сутини камайтириб, болани нимжон ва дардманд қилиб қўяркан.

## БОШ ОҒРИҒИ ДАВОСИ

### бир пиёла кўк чой

Мутахассис олимларнинг сўнгги кузатишларича, бир пиёла кўк чой инсонни турли-туман касаллардан ҳимоя қилиб, унга руҳий бардамлик бахш этаркан. Бир пиёла аччиққина чойдаги кофеин моддаси бош оғриғини қолдирувчи битта таблеткадаги кофеин моддасига тенг экан. Бекорга ота-боболаримиз бош оғриғига бир пиёла чой даво, деб айтишмаган экан-да.




Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ


ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар:



(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.


## БИЛАСИЗМИ?



Дур аёлларнинг қимматбаҳо тақинчоғи бўлиши билан бирга қон оқишини тўхтатувчи хусусиятга ҳам эга. Милк қонаганда, қон қусишда ва бавосилда қўлланилади. Танага қувват беради, ҳаёт қобилиятини оширади. Кўҳна табобатда дур руҳий хасталикларни даволашда ишлатилган.

Дурни ҳар ойда бир неча марта сувга солиб қўйиб, эрталаб ичиш керак. Бу кўз ачишининг олдини олади, буйрак касаллигига шифо бўлади. Энг муҳими, бундай сув кислотали ишқорий мувозанатни сақлаб туради, ўткир яллиғланишларда ёрдам беради.

Тибет тиббиётига асосан дурни оғизга солиб сўрилса, қон таркиби яхшиланар, юрак оғриқлари босилар экан. Ҳомиладор аёл дур тақиб юришида эса алоҳида ҳикмат бор. Ҳомиласи эсон-омон дунёга келаркан.

